

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

524 Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спор-
тини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбир-
лар тўғрисида

Республикада йилқичилик ва от спортини ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги авлод чавандозларини тайёрлаш ва тарбиялаш, миллий от спортининг халқаро довуғини ошириш, аҳолининг кенг қатламлари, айниқса ёшлар ўртасида от спортини фаол тарғибот қилиш ва оммалаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон от спорти федерацияси конференцияси, Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ўзбекистон Респуб-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

ликаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг Ўзбекистон от спорти федерацияси фаолиятини такомиллаштириш ва унинг номини Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерациясига (кейинги ўринларда — Федерация) ўзгартириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Федерациянинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

йилқичиликда наслчилик ишларини такомиллаштириш йўли билан, ноёб зотли спорт отлари ҳамда Қорабайир ва Ахалтака наслдор от зотлари бош сонини кўпайтириш бўйича ташкилотларга қўмаклашиш;

хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш орқали наслдор, спорт ва хизмат отларини кўпайтириш ва парваришларнинг замонавий услулари ташкил этиш;

йилқичилик ва от спортини ривожлантириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқишда иштирок этиш, давлат дастурларини амалга ошириш, маркетинг ва реклама ишларини кенгайтириш;

ёш авлод чавандозларини тарбиялашга йўналтирилган миллий от спорти мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда миллий от спортининг халқаро довруғини ошириш;

зарур озуқа базани таъминлаш учун ер майдонлари ажратиш масалаларида тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан самарали ҳамкорликни таъминлаш;

отларни сақлаш ва сифатли ветеринария хизмати кўрсатиш ишларини яхшилашга қўмаклашиш, шунингдек, жаҳон бозорида насли маҳсулот (материал)нинг рақобатдошлигини таъминлаш;

болалар спорт мактаблари тармоғи ва секциялари, от спорти клубларини кенгайтириш, юқори малакали ҳакамлар, ветеринарлар ва тақачиларни тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерациясининг ташкилий тузилмаси, унинг ижро этувчи аппарати таркиби ва ҳудудий бўлинмаларининг намунавий тузилмаси 1, 2, ва 3-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси ҳузурида Йилқичилик ва от спорти қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилиши маъқуллансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси раиси ва унинг ўринбосарларини конференция делегатлари томонидан сайланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тасдиқланади;

Федерациянинг ижро этувчи аппарати фаолиятини жорий таъминлаш ва молиялаштириш Федерация аъзоларининг — ташкилотларнинг ажратмалари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

5. Жамғарма маблағлари илмий-тадқиқот ва селекция-наслчилик ишларини молиялаштириш, Федерациянинг моддий-техник базасини мустаҳкам-

лаш, ҳакамлар, ветеринар ва тақачиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, тажриба алмашиш ва ихтисослик билимларини ошириш, шунингдек, алоҳида ўртак кўрсатган спортчилар, ҳакамлар, зоотехниклар ва йилқичиларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Жамғармани шакллантириш манбалари этиб, хайр-эҳсон ёрдамлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар белгилансин.

6. Федерация ва унинг аъзоларига валюта тушумларини мажбурий сойтишдан озод қилинган ҳолда, спорт отларини экспорт қилишга рухсат этилсин.

7. Республикамизда йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича Ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) 4-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

8. Ишчи гуруҳ (З.Т. Мирзаев) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2017 — 2021 йилларда йилқичилик ва от спортини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари Дастури лойиҳасини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Дастур лойиҳасини ишлаб чиқишда қуйидаги устувор вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилсин:

йилқичилик ва от спортининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш;

соф зотли ҳамда Қорабайир ва Ахалтака зотли спорт отларини урчиштиш ва кўпайтириш;

йилқичилик ва от спортининг моддий-техник ва озуқа базасини мустаҳкамлаш;

хорижий давлатларнинг йилқичилик ва от спорти бўйича илғор тажрибаларини жорий этиш, йилқичилик ва от спорти мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

ёш спортчиларни жалб қилган ҳолда миллий ва халқаро от спорт турларини ривожлантириш, спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, миллий ва халқаро даражада йилқилар кўргазмалари ва аукцион савдоларини ташкил этиш;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида кадрлар, шунингдек, йилқичилик бўйича илмий кадрлар ва тайёрлашнинг ўқув режалари ҳамда дастурларини такомиллаштириш ва янгилаш, кадрлар малакасини оширишни ташкил этиш.

9. 2021 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда:

Федерацияни барча солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

ипподромлар, от спорти клублари ва мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун олиб келинадиган, республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган, инвентарлар, спорт отлари, насли маҳсулотлар (материаллар), озуқа ва озуқа қўшимчалари, витаминлар, ветеринария дори воситалари

ри, ускуналар ва материаллар белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

10. Қўйидагилар:

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг Қорабайир зотли отларни кўпайтириш ва парваришlash бўйича замонавий талабларга жавоб берадиган мажмуасини қуриш ва 2018 йилнинг 1 январига қадар фойдаланишга топшириш;

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Ахалтака зотли отларни кўпайтиш ва парваришlash бўйича «Ўзбегим отлари» МЧЖ от заводини қуриш;

Тошкент шаҳри ҳокимлигининг халқаро от спорти Федерациясининг талабларини ҳисобга олган ҳолда, 2017 — 2019 йиллар даврида «Марказий ипподром» АЖни қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Федерация ва Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг Федерация ҳузурида От спорти мураббийлари, ҳакамлар, ветеринарлар ва тақачилар Республика мактабини, шунингдек, От спорти бўйича олий спорт маҳорати республика мактаби базасида ёшлар ва ўсмирлар терма жамоасини ташкил этиш;

Федерация, Тошкент шаҳри ҳокимлиги ва «Марказий ипподром» АЖнинг Отлар карантини ва ветеринария марказини «Марказий ипподром» АЖ ҳудудида ташкил этиш;

Федерация, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва «Ўзбек спорт отлари» МЧЖнинг спорт отларини кўпайтириш бўйича «Ўзбек спорт отлари» МЧЖ от заводини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

11. Тошкент шаҳри ҳокимлиги ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Федерациянинг Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй манзилига бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштирилишини таъминлашинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Федерациянинг буюртманомаларига биноан йилқичилик ва от спорти соҳасида ишлашга жалб этиладиган хорижий мутахассисларга кириш визаларининг консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Федерациянинг буюртманомаларига биноан йилқичилик ва от спорти соҳасида ишлашга жалб этиладиган хорижий мутахассисларга давлат божи ундирилмасдан кўп марталик кириш визалари берилишини ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Федерациянинг буюртманомаларига биноан йилқичилик ва от спорти соҳасида ишлаш учун юқори малакали хорижий мутахассисларни (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасида бундай мутахассислар бўлмаган тақ-

дирда) Ўзбекистон Республикасига жалб этишга рухсатномалар беришни (муддатини узайтиришни), шунингдек, кўрсатиб ўтилган хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Федерацияни белгиланган тартибда зарур бўлган телекоммуникация ва телефон алоқаси, шу жумладан, ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 июнь,
ПҚ-3057-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 15 июндаги
ПҚ-3057-сонли қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти Федерациясининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



* Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти Федерацияси билан шартнома асосида ҳамкорлик қилади.

Изоҳ: Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти Федерацияси таркибига киритиш ва ундан чиқариш шартнома асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 15 июндаги
ПҚ-3057-сонли қарорига
2-ИЛОВА

524-модда

Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти Федерацияси ижро этувчи аппаратининг ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларнинг умумий чекланган сони — 25 нафар.

— 34 —

25 (785)-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 15 июндаги
ПҚ-3057-сонли қарорига
3-ИЛОВА

25 (785)-сон

**Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти Федерациясининг ҳудудий бўлинмалари
ТУЗИЛМАСИ**



— 35 —

Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони — 3 нафар.

524-модда

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 15 июндаги
ПҚ–3057-сонли қарорига
4-ИЛОВА

**Республикада йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга
кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ
ТАРКИБИ**

1. Мирзаев З.Т. — Бош вазир ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, Ишчи гуруҳ раҳбари
2. Рафиқов К.М. — Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси, Ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари
3. Курбонов Р.Д. — Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси
4. Фуломов Р.А. — Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси
5. Султонов А.С. — «Ўзбекнефтгаз» МХК раиси — Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти
6. Қосимов Р.С. — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири
7. Тохирий М.В. — Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси раиси
8. Фарманов А.К. — «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ бош директори
9. Лавозими бўйича — Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти Федерацияси раиси
10. Лавозими бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари
11. Тошов А.А. — Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаменти шўба мудир
12. Баязетов К.Ф. — Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаменти шўба мудир, Ишчи гуруҳ котиби.

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига янгидан тайинланган ёхуд тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.